

Автомобиль йўллари қўмитаси ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда



Ишга жойлаштириш, ёшлар бандлиги – бу давлат аҳамиятига молик масала, чунки айнан ёшлар мамлакат кадрлар салоҳиятини ташкил қилади. Ёшлар бандлигини таъминлаш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг долзарб ва узоқ муддатли вазифаси саналади.

Бугунги кунда инсон салоҳиятининг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшлар меҳнатидан фойдаланиш ҳар бир соҳасидаги миллий стратегияга боғлиқ.

Ёшлар – бу мамлакат келажаги эканлиги ва бутун жамиятнинг истиқболдаги ривожланиши улар фаолиятининг бошланғич шароитларига боғлиқлиги билан белгиланади.



Ишлаб чиқариш ташкилотларида яратилган бошланғич шароитлардан хабардор қилиш, битирувчи ёшларни ишга жойлашишида кўмаклашиш, қолаверса, йўл соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг моҳиятини талабаларга етказиш мақсадида 14 апрел куни

Тошкент давлат транспорт университетида Автомобиль йўллари кўмитаси ва унинг тизим ташкилотлари ҳамда университет талабалари билан "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" доирасида талабаларни йўл соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш ҳамда битирувчи ёшларни ишга жалб қилишда ҳамкорлик масалаларида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув давомида Йўл хўжалиги соҳасида олиб борилган ишлар, ёшларга берилаётган алоҳида эътибор ва уларга яратиб берилаётган қатор имкониятлар хақида сўзлаб берилиб, талабаларнинг қизиқтирган саволларига жавоб берилди.



Учрашув якунида соҳага бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ўқиш давомида ўз фаоллиги билан тенгдошларидан ажралиб турган 50 нафар талаба ёшларга Кўмита томонидан эсдалик совғалар билан улашишди.

Автомобиль йўллари кўмитаси

Матбуот хизмати